

Иш рақами

Биринчи инстанцияда раислик
қилган судья – Ш.Худаяров

Кассация инстанциясида
маърузачи судья-Д.Мадаминов

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲУКМИ

2025 йил ноябрь ойининг 20 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: А.Инамов,

ҳайъат судьялари: Ш.Қурбонов ва Д.Мадаминовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ҳ.Жўраевнинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори Р.Одилов, судланган М.С ва унинг ҳимоячиси - адвокат Э.Гайбуллаевнинг иштирокида, М.Сга оид жиноят ишини Наманган вилоят прокурори ўринбосарининг протести асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2025 йил 28 июлдаги ҳукмига кўра:

М.С, 20** йил ** мартда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, уйланмаган, мукаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2025 йил 20 февралдаги ажримига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши бб¹-моддасига асосан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2025 йил 11 мартдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,г” бандлари билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, ишламайди, Наманган шаҳар, “*****” МФЙ, **-берк ***** кўчаси, **-уйда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “г” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил, 59-моддаси 8-қисмига асосан 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Етказилган зарарни қоплаш мақсадида Наманган вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига топширилган 2.600.000 сўмни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги судлар фаолиятини моддий-техник таъминлаш департаментининг Наманган вилоят ҳудудий бўлимининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 315.000 сўмни жабрланган У.Ага олиб бериш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.С телефон аппарати орқали “Телеграм” ижтимоий тармоғида “***** ***** *****” номли канал ташкил этиб, мазкур каналга трей-



динглик фаолияти билан шуғулланиб, пул маблағларини кўпайтириб бериши тўғрисида эълонлар жойлаштириб, мазкур эълон бўйича “Телеграм” орқали мурожаат қилган Хоразм вилоятида яшовчи У.Ага сармоя киритган тақдирда, уларни трей-динг орқали кўпайтириб беришини айтиб алдаб, пластик картасига 2025 йил 10 апрелда 1.022.070 сўм ва 11 апрелда 1.903.909 сўм жами 2.925.979 сўм миқдоридаги пулларни ўтказиб беришига эришиб, фирибгарлик жиноятини содир этганликда айбли деб топилган.

Протестда, биринчи инстанцияси суди томонидан судланган М.Снинг айбловидан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди асосиз чиқарилгани ҳақида важлар келтириб, М.Сни ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,г” бандлари билан айбли деб топиб, 60-моддаси тартибида жазо тайинлаш сўралган.

Судланган М.С эътирозномасида протестга кўшилмаслиги ва суд ҳукмини ўз кучида қолдиришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Д.Мадаминовнинг маърузасини, прокурор Р.Одиловнинг протестни қаноатлантириш, ҳимоячи Э.Гайбуллаев ва судланган М.Снинг ҳукми ўзгаришсиз, протестни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, протестдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини бекор қилиб, янги айблов ҳукми чиқариб, протестни қаноатлантиришни лозим топди.

Судланган М.Снинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланган У.Анинг суддаги унинг айбини фош этиб берган кўрсатувлари, жабрланган У.А билан сўзлашув, нарсани кўздан кечириш ва олиб қўйиш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ва судда текширилган далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Судланган М.С кассация инстанцияси судида, айбига иқрор, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланган У.Ага нисбатан етказилган зарарни қоплагани, ёшини инобатга олиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинoий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

168-моддаси 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

54-бандида, Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш қоидалари биринчи ҳукм эълон қилинганидан сўнг, лекин ўша ҳукм бўйича тайинланган асосий ва қўшимча жазолар тўлиқ ўталганга қадар маҳкум томонидан янги жиноятни содир этилган ҳолларда қўлланилиши тушунтирилган.

Суд, судланган М.Сга жазо тайинлашда қайд этилган қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилмасдан, унинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандини чиқариб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жазо тайинлаб, хатоликка йўл қўйган.

Иш ҳужжатларида, М.С хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, У.Ага пул маблағларини трей-динг орқали кўпайтириб беришини айтиб алдаб, 2025 йил 10 апрелда 1.022.070 сўм ва 11 апрелда 1.903.909 сўм жами 2.925.979 сўм миқдоридаги пуллари фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 494-моддаси 1-қисмида, кассация инстанцияси суди суднинг ҳукмини бекор қилишга ва маҳкумга нисбатан жазони кучайтирган ёки унга эълон қилинган айблов доирасида оғирроқ жиноятга оид қонунни қўллаган ҳолда янги айблов ҳукми чиқаришга ҳақлилиги кўрсатилган.

Қайд этилган асосларга кўра, кассация инстанцияси суди жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2025 йил 28 июлдаги М.Сга нисбатан чиқарган ҳукмини бекор қилиб, М.Сга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда айбига икром, қилмишидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, унинг шахси, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси, моддий зарар бартараф қилинганини эътиборга олиб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 60-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2025 йил 11 мартдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинланган жазога қисман қўшишни, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган “Samsung galaxy S22” русумли телефон аппаратининг хотирасидаги маълумотлар тегишли тартибда ўчирилиб, Мажбурий ижро бюроси томонидан баҳолатилиб, давлат даромадига ўтказиш қисми Мажбурий ижро бюроси Наманган шаҳар бўлими давлат ижрочисининг 2025 йил 27 сентябрдаги амалда ижро этилган ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисидаги қарорига асосан ижро иши юритиш тамомлангани ҳамда



жабрланган У.Ага етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида депозит ҳисоб рақамларда сақланаётган пул маблағлари ижрога қаратилганини инобатга олишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 494, 509⁷, 509⁹, 509¹⁰-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси

Х У К М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2025 йил 28 июлдаги М.Сга нисбатан чиқарган ҳукми бекор қилинсин.

М.С Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

М.Сга ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,г” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари тайинлансин.

М.Сга ЖКнинг 60-моддаси тартибида узил-кесил ўташ учун иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилиб, жазони ўташ муддати М.С жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин, жазо ижросини назорат қилиш Наманган шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

М.Сга нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган “Samsung galaxy S22” русумли телефон апаратининг хотирасидаги маълумотлар тегишли тартибда ўчирилиб, Мажбурий ижро бюроси томонидан баҳолатирилиб, давлат даромадига ўтказиш қисми Мажбурий ижро бюроси Наманган шаҳар бўлими давлат ижрочисининг 2025 йил 27 сентябрдаги амалда ижро этилган ижро хужжати бўйича ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисидаги қарорига асосан ижро иши юритиш тамомлангани ҳамда жабрланган У.Ага етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида депозит ҳисоб рақамларда сақланаётган пул маблағлари ижрога қаратилгани инобатга олинсин.

Протести қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:	имзо	А.Инамов
Ҳайъат судьялари:	имзо	Ш.Қурбонов
	имзо	Д.Мадаминов
Ажрим нусхаси аслига тўғри вилоят суди судьяси		Д.Мадаминов

